БОШҚАРУВ КАДРЛАРИНИ ТАЙЁРЛАШ ТИЗИМИНИНГ ШАКЛЛАНИШИ ВА РИВОЖЛАНИШИ МАСАЛАЛАРИ

Ж.Қ. Юсубов

Мақолада республикамизда яратилган бошқарув кадрларини тайёрлаш ва улар билан ишлаш тизими, бошқарув органлари учун кадрлар захирасини яратиш, уларни ўқитиш ва малакасини ошириш масалалари ёритилган.

Калит сўзлар: *кадр, раҳбар кадр, бошқарув, бошқарув кадрлари, захира кадрлари, маҳаллий бошқарув.*

В статье освещены вопросы подготовки управленческих кадров и система работы с ними, создания резерва руководящих кадров, их обучения и повышения квалификации.

Ключевые слова: *кадры, руководящие кадры, управление, управленческие кадры, резервные кадры, местное управление.*

This article reflects the principles of preparation of managing personnel and the system of work with them, including their training, creation of their reserving base as well as improving their management skills.

Key words: *personnel, governing personnel, management, managing personnel, reserve personnel, local administration.*

Маълумки, бошқарув кадрларини тайёрлаш, улар билан ишлаш тизимини шакллантириш ва такомиллаштиришнинг йўл-йўриқлари ҳамда услубларига доир қатор меъёрий ҳужжатлар қабул қилиниб, амалиётда кенг қўлланмоқда. Президент девонининг ташкилий-кадрлар сиёсати хизмати, вилоят, шаҳар ва туман ҳокимликлари ташкилий-назорат масалалари гуруҳларининг кадрлар тайёрлаш ҳамда уларни танлаш ва жой-жойига қўйиш, кадрлар захирасини шакллантириш билан боғлиқ фаолияти мамлакатда шаклланган ҳуқуқий меъёрий сиёсат асосларига мувофиқ равишда амалга оширилмоқда. Яъни давлат ҳокимиятининг барча бўғинларида бошқарув кадрлари сиёсати учун лозим бўлган масалалар сирасига тааллуқли лавозимлар ва талаблар, мансабга номзод танлаш ва маълумотлар тўплаш, захирасини шакллантириш ҳамда босқичма-босқич янги мансабларда фаолият юритиши учун тайёрлаб бориш, мансабга тавсия этиш ва раҳбар кадрлар иш фаолияти мониторингини олиб бориш ва уларни умумлаштириш кабилар киритилган. Шу билан бирга Президент девонининг ташкилий-кадрлар сиёсати хизмати томонидан раҳбар кадрлар фаолияти учун йўриқнома ишлаб чиқилган бўлиб, улар қуйидагилардан иборатдир:

– бошқарув мансаби – давлат ҳамда жамоатчилик бошқаруви органларидаги муайян таркибий бўлинманинг фаолияти, мақсад ва вазифаларининг бажарилишини таъминлашга қаратилган, функциялари ва ваколатлари, масъуллиги ва ижтимоий роли белгилаб қўйилган лавозим;

– бошқарув кадрлари – давлат бошқарув органларида давлат талабларига мувофиқ мансаблар бўйича ўз вазифаларини белгиланган тартибда амалга оширувчи Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари, давлат сиёсатини жойларда амалга оширувчи вакиллари;

– бошқарув кадрларини тайёрлаш – эҳтиёжни ўрганиш, кадрларни излаш, уларни танлаб олиш, тегишли ваколатга эга бўлган таълим муассасаларида ўқитиш, аттестациядан ўтказиш, малакасини ошириш, қайта тайёрлаш ва бошқарув кадрлари захираси маълумотларининг ахборот базаларини шакллантириш, жой-жойига қўйиш ҳамда бутун жараён мониторингини олиб бориш масалаларини мувофиқлаштириб бориш ишлари назарда тутилади [1.12].

Давлат ҳокимияти органларининг кадрлар захираси билан ишлаш фаолияти кадрларни танлаш ва захирани шакллантириш каби ишлардан бошланиб, уларни қайта ўқитиш муддатлари ва услубларини аниқлаш, бошқарув фаолиятига бевосита тайёрлаш ва захирадаги номзодни раҳбарлик мансабига тавсия этишгача бўлган бир нечта босқичларда амалга ошириб борилади. Умуман, раҳбарлик мансабларига кадрлар захирасини тайёрлашнинг қуйидаги усуллари шаклланди: амалдаги кадрлар захираси; истиқболли (яқин ва узоқ истиқболдаги) кадрлар захираси.

Амалдаги кадрлар захираси штатлар жадвалидаги раҳбарлик лавозимлари рўйхатида бўш жой ҳосил бўлиши натижасида кадрлар захирасидаги номзодлардан бирининг ана шу мансабга

қўйилишини таъминлайди. Амалдаги кадрлар захираси фаолияти устидан доимий мониторинг ўрнатилиб, уларни мансабларга тайёрлаш жараёнида кадрлар захираси рўйхатидаги номзодларнинг касбий, сиёсий, ҳуқуқий, маънавий, иқтисодий савиясини ўстириш (махсус ўқувлар, курсларда ўқитиш асосида), уларга янги иш услубларини ўргатиш, ҳокимият органлари ёки корхоналар томонидан ўтказилаётган тадбирларда фаол қатнашишини таъминлаш воситасида меҳнат жамоасида ўз ўрнини топишига ёрдам бериб борилади.

Истиқболдаги кадрлар захираси раҳбарликка номзод меҳнат фаолияти юритадиган идора ёки корхонадаги штатлар жадвалидаги лавозимлар рўйхатига асосан ишлаб чиқилган режага биноан яқин 3-4 йил ичида раҳбарликка номзод кадрларни маълум тайёргарликдан ўтказишни назарда тутади. Бу кадрлар захираси рўйхатига киритилган номзодлар босқичма-босқич тайёргарликдан ўтказилган ҳолда янги мансабга тайёрланади (малака ошириш курсларида ўқитиш, турли ўқишларга юбориш, стажировка (амалий синов)дан ўтказиш, қайта тайёрлаш, кичикроқ даражадаги бирон-бир лавозимга тайинлаб туриш ва ҳоказо). Узоқ истиқболдаги кадрлар захираси эса 8-10 йил ичида ёш кадрларни раҳбарлик мансабларига босқичма-босқич тайёрлаб боришни назарда тутади. Бу жараённи амалга ошириш мақсадида махсус режа тузилиб, раҳбарият томонидан тасдиқланади. Бу каби кадрлар захирасини шакллантириш жараёнининг асосий мақсади – истеъдодли ва қобилиятли ёш мутахассисларни топиш, уларнинг бошқарув малакаларини ошириш, турли лавозимлардан поғонама-поғона юқорига ўтказиш, уларда раҳбарлик сифатларини шакллантириш ҳамда келгусида маълум мансабга ишга тайинлашдан иборатдир.

Раҳбар кадрлар захираси рўйхатида турган номзодлар раҳбарлик сифатларини шакллантириш, уларни раҳбарлик мансабига тайёрлаш ёки бошқа даражадаги мансабга ўтишлари учун малакасини ошириш муҳим аҳамият касб этадиган жиҳатлардан биридир. Уларни раҳбарлик мансабига тайёрлаш мақсадли таълим бериш билан узвий мувофиқлаштирилган ҳолда амалга оширилади. Масалан, вазирликлар, давлат идоралари, вилоят, шаҳар, туман ҳокимликларидаги кадрлар захирасини янги мансабларга тайёрлаш тўрт хил шаклда олиб борилади: раҳбар кадрларни тайёрлаш, кадрлар маҳоратини ошириш, кадрлар касбий малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш ҳамда замонавий бошқарув малакаси ва кўникмасини ҳосил қилиш бўйича таълим-тарбияни пухта ўзлаштириш ҳисобга олинади.

Ўзбекистонда бошқарув кадрлари, турли хил соҳа мутахассислари малакаси, билим савияси ва касбий маҳоратини ошириш, қайта тайёрлаш фаолияти билан шуғулланувчи таълим муассасалари ўрта махсус ва олий таълимдан кейинги таълим муассасалари ҳисобланиб, ҳозир бу йўналишда йигирмадан ортиқ академиялар, малака ошириш институтлари, кадрлар тайёрлаш, малакасини оширишга ихтисослашган турли хил факультет, марказлар ва курслар фаолият юритади [2.35-36]. Дастур ва режалар асосида кадрлар захирасини шакллантириш, раҳбар кадрлар алмашинуви масалалари, захирага олинган кадрлар билан ишлаш, кадрларга бўлган эҳтиёжларни ўрганиш, кадрлар сифатини ошира бориш, рағбатлантириш каби йўналишларда белгиланган тегишли чора-тадбирлар амалга оширилади. Амалдаги захирага олинган кадрлар мунтазам равишда вакант лавозимларга тавсия этилади. Истиқболдаги захирага олинган кадрнинг эса режа бўйича босқичма-босқич тайёргарлиги ошириб борилади.

Ҳозирги пайтда маҳаллий ҳокимликларда сифат жиҳатидан қатъи назар маҳаллий давлат бошқарув органлари, саноат, қурилиш, тадбиркорлик ва фермерлик ҳаракати, транспорт, алоқа, банк, таълим, соғлиқни сақлаш, маданият, спорт, савдо ва маиший хизмат кўрсатиш, коммунал хизмат ва ободонлаштириш, илмий-текшириш ва лойиҳалаш, жамоат ташкилотлари, қўшма корхоналар учун раҳбар лавозимларга тайёр кадрлар захираси мавжуд. Кадрлар захирасига ватанпарварлик, масъулиятлилик, лаёқатлилик, ўз касбининг устаси, мамлакатда амалга оширилаётган демократик ислоҳотлар ва туб ўзгаришлар мазмун-моҳиятидан етарлича хабардорлик, фидойилик, юксак маънавият, қатъият ва изланувчанлик, ташаббускорлик талабларига жавоб берадиган номзодлар киритилади. Захирага киритилиши мўлжалланган номзод билан суҳбат ўтказилади. Суҳбат давомида у белгиланган мезон ва талабларга жавоб бергандан сўнг таклиф этилаётган захирага киритилишга эътироз билдирмаса, захирага олинади. Захирага олинган номзод билан заруратга қараб, тартиб бўйича белгиланган муддатларда суҳбат ўтказиб турилади. Захирага номзодлар маълумотлар банки ва мониторинг натижаларига кўра ташкилий-назорат гуруҳи томонидан ҳокимга тақдим этилади. Захира рўйхати ва унга ўзгартишлар ҳоким қарори асосида расмийлаштирилади. Бу борада мамлакатимиз Президенти Ш.Мирзиёевнинг қуйидаги фикрларини алоҳида таъкидлаш лозим: “Келгусида биз маҳаллий ҳокимларни бевосита халқ томонидан

сайлаш масаласи ҳақида ҳам ўйлаб, муҳокама қилиб кўришимиз керак. Ҳар бир ҳудуд ўз раҳбарини ўзи сайласа, раҳбарларнинг халқ ва жамият олдидаги масъулиятини кескин оширишга эришиш мумкин" [3.2].

Мамлакатимизда қайси бўғиндаги кадрлар захирасини шакллантириш ва тайёрлаш бўлмасин, уни соҳибқирон Амир Темур бобомиз айтганидек, "азми қатъий, тадбиркор, ҳушёр,мард ва шижоатли..."[4.8] кишилар орасидан шакллантиришни мақсад қилиб олиш керак. Ана шунда кадрлар захирасини шакллантириш ва тайёрлаш давлат сиёсати даражасига кўтарилган бўлади. Шунингдек, И.А.Каримов мустақилликнинг дастлабки давридан бошлаб янги шаклланаётган миллий раҳбар кадрларнинг асосий хусусиятларидан бири сифатида ўтган минг йилликларда шаклланган раҳбарнинг маънавий ва маърифий сифатларига муҳим аҳамият берди. Бу, албатта, И.А.Каримовнинг Шарқ уйғониш даври мутафаккирлари томонидан мансабдорларга қўйилган талабларни эътироф этиш, уларни демократик қадриятлар билан уйғунлаштириш мақсадларидан келиб чиққанлиги эди.

Айтиш жоизки, миллий бошқарув тизимининг шаклланишида маҳаллий давлат ҳокимияти тизимида ҳокимлик институтининг жорий этилиши муҳим аҳамият касб этди. 1994 йил 4 январда "Ўзбекистон Республикасининг маҳаллий ҳокимият идораларини қайта ташкил этиш тўғрисида" Қонуни қабул қилиниб, унинг ижросини таъминлаш жараёнида Олий Кенгаш қарорлари асосида ижроия ҳокимиятни мустаҳкамлаш муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг вилоятлари, туманлари ва шаҳарларида вакиллик ҳокимиятига ҳамда ижроия-бошқарув ҳокимиятига бошчилик қиладиган ҳокимлик лавозимлари таъсис этилди. Вилоят ҳокимлари Президентнинг жойлардаги расмий вакиллари экани, Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Халқ депутатлари тегишли кенгашларига ҳисоб бериши, Президент томонидан тайинланиши ва лавозимидан озод қилиниши ҳамда тегишли халқ депутатлари кенгашлари томонидан тасдиқланиши, туманлар ва шаҳарларнинг (Тошкент шаҳри бундан мустасно) ҳокимлари вилоят ҳокимлари томонидан тайинланиб, халқ депутатлари тегишли туман, шаҳар кенгашлари томонидан тасдиқланиши ҳуқуқий меъёр сифатида қабул қилинди. Шу билан бирга, қонунда ҳокимлар бошчилигида халқ депутатлари вилоят, шаҳар, туман Кенгашлари маҳаллий аҳамиятга молик барча масалаларни умумдавлат манфаатларига мос тарзда, Кенгаш худудида яшаётган фуқароларнинг манфаатларидан келиб чиққан ҳолда ҳал қилишлари, шунингдек, мазкур Кенгашларнинг Президентимиз Фармонларини, юқори давлат идораларининг қарорларини амалга оширишлари белгилаб қўйилди.

Ўзбекистонда демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятини қуриш ислоҳотлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарорларида ҳам белгиланган бўлиб, айниқса, И.А.Каримовнинг биринчи чақириқ Олий Мажлиснинг XIV (1999 йил апрель) ва иккинчи чақириқ Олий Мажлиснинг I сессияларидаги (2000 йил январь) маърузаларида эълон қилинган жамиятнинг сиёсий соҳаси ва давлат қурилишини ислоҳ қилиш ҳамда эркинлаштириш концептуал дастурининг ҳаётга жорий этилиши натижасида янада чуқурлашди. "Кучли давлатдан – кучли фуқаролик жамияти сари" тамойили ишлаб чиқилди. Мазкур тамойилга асосан "мамлакат сиёсий, иқтисодий ҳаётини, давлат ва жамият қурилишини янада эркинлаштириш" йўлининг концептуал дастури яратилди.

Мамлакат тараққиётининг иккинчи босқичида биринчи президентимиз И.А.Каримовнинг 2003 йил 9 декабрдаги "Республика бошқаруви органлари тизимини такомиллаштириш тўғрисида" ва 2003 йил 22 декабрда "Хўжалик бошқарув органлари тизимини такомиллаштириш тўғрисида"ги фармонлари, шунингдек, Вазирлар Маҳкамаси 2004 йил 5 январда қабул қилган "Ҳудудий давлат бошқаруви органларининг тузилмасини такомиллаштириш тўғрисида"ги қарор мамлакатда раҳбар кадрлар тайёрлаш ва танлаш соҳасидаги ислоҳотларнинг янги босқичини бошлаб берди. Натижада кадрлар билан ишлаш тизимини такомиллаштириш ва бу соҳада илмий муассасалар фаолиятидан самарали фойдаланиш учун шарт-шароитлар яратилди. Мазкур фармон ва қарорлар асосида хориж тажрибасини чуқур ўрганиш ва барча даражадаги бошқарув органлари фаолиятини жиддий танқидий таҳлил қилиш асосида ҳукумат томонидан ислоҳотларни амалга ошириш борасида ёндашувлар ва йўналишлар ишлаб чиқилди. Юртимизда давлат бошқарувини эркинлаштириш, раҳбар кадрлар тайёрлаш ва танлашни такомиллаштириш мақсадида қуйидаги вазифалар белгиланди: иқтисодиётни бошқаришда давлат ролини кескин қисқартириш; республика даражасидаги бошқарув органлари ваколатларининг бир қисмини маҳаллий бошқарув органларига ўтказиш; давлат ва маҳаллий бошқарув тизимини оптималлаштириш, бошқарувга оид вазифаларнинг такрорланишига барҳам бериш,

давлат органлари томонидан корхоналар фаолиятининг асоссиз назорат қилинишига чек қўйиш, бозор механизмлари ҳамда шахсий ташаббускорлик ва хусусий тадбиркорликнинг ривожланишига ҳалал берувчи маъмурий тўсиқларни бартараф этиш, ресурсларни тақсимлаш тизимини тугатиш жараёнларини якунлаш; давлат ва хўжалик бошқаруви органлари ходимлари сонини оптимал даражада қисқартириш; ахборот ва коммуникация технологияларини жорий этиш асосида давлат маҳаллий ҳокимият органлари бошқаруви тизимини босқичма-босқич замонавийлаштириш ҳамда унинг самарадорлигини ошириш, маъмурий-ҳуқуқий база яратиш, бошқарувга доир ўқув тизимини қайта кўриб чиқиш, илғор хорижий тажрибаларни эътиборга олган ҳолда кадрларни танлаш ва ёллаш услубларини қўллаш, уларни аттестациядан ўтказиш, юклатилган вазифаларнинг ижросини баҳолаш шаклларини такомиллаштириш орқали давлат хизматини ислоҳ қилиш назарда тутилади [5.2].

Шундай қилиб, раҳбар кадрларни тайёрлаш ва танлаш тизимини такомиллаштириш мақсадида вазирликлар, бошқа давлат идоралари ва жойларда маҳаллий бошқарув органлари учун кадрлар захирасини яратиш, уларни қайта тайёрлашга доир чора-тадбирлар ҳам кўрила бошланди. Кадрлар захирасини шакллантириш билан бир қаторда давлат ва хўжалик бошқаруви органлари вазифалари ва таркибининг қайта кўриб чиқилиши натижасида улар учун кадрларни танлаш, тарбиялаш, қайта тайёрлаш ва жой-жойига қўйиш мақсадида замонавий илм-фан ютуқларидан, бошқарув технологияларидан кенг фойдаланиш, бу соҳада ривожланган давлатлар тажрибаларини ўрганиш, замонавий самарали бошқарув усулларидан кенг фойдаланиш каби кадрлар сифатини ошириш омилларига муҳим эътибор берилди.

Адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти девонининг жорий архиви. Ташкилий-кадрлар сиёсати хизматининг “Бошқарув лавозимларига кадрларни танлаш, ўқитиш ва захирасини шакллантириш бўйича йўриқнома”си, 2001.

2.Каримов И.А. Баркамол авлод - Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори / Ўзбекистон Республикаси кадрлар тайёрлаш миллий дастури. -Т.: Шарқ, 1998.–Б.63.

3. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 24 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси. “Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови”. / Халқ сўзи.-2016.- 8 декабрь..

4. Темур тузуклари. -Т.: Ўзбекистон, 2011.– Б.181.

5. Маъмурий ислоҳот – иқтисодий тараққиёт омили. / Халқ сўзи.- 2004.- 11 март.

Ўзбекистон Миллий университети,
2016 йил 15 сентябрда қабул қилинган
(Тақризчи: т.ф.д. Н.А.Мустафаева)